



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР
АКАДЕМИЯСИ

* * *

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА
АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ




ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ
КЛАССИКАЛАРИ
КУТУБХОНАСИ



Уз
194 ГҮЛХАНИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

НАШРГА ТАЙЁРЛОВ'ШИ
Ҳ. ЁҚУБОВ



ГУЛХАНИЙ

Ўзбек ёзучиси Муҳаммад Шариф Гулханий бундан бир ярим аср илгари ўтган, лекин унинг асарлари ҳозир ҳам ўзининг ўткирлигини ва қимматини йўқотган эмас. Гулханий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида, асосан, Фарғона водисини ўз ичига олган Қўқон хонлигида яшаган эди. Гулханийнинг бизга маълум асарлари ўзининг ҳажми эътибори билан унча катта бўлмай, фақат «Зарбулмасал» («Япалоққуш ҳикояси») номли битта мукаммал проза асардан ва бирнеча шеърдангина иборат. Лекин унинг ижодиёти ўзининг мазмуни ва бадний қиммати жиҳатидан революциядан аввалги даврдаги ўзбек адабиётида ғоят катта ўрин тутади ва эътибор билан ўрганишга сазовордир.

Гулханийнинг «Зарбулмасали» халқ эртаклари таҳлитида ёзилган мукаммал сюжетли ўткир сатирик асардир. У ўзбек адабий прозасининг намуналаридан биридир.

Гулханий ўз асарида халқнинг мазмундор мақолларидан, ҳикматли сўзларидан ва қочириқ гапларидан усталик блан фойдаланган. V, феодал ҳукмдорлар ва уларнинг лаганбардорларини, сарой аҳли ва мусулмон руҳонийларини қуш таҳлитига киритиб, камсуханлик, лекин зўр маҳорат блан тасвирлаб, Шарқ мустабид давлатидаги ҳукмрон мамурий ва руҳоний доираларнинг кирдикорларини дангал очиб ташлайди. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлиги ҳам мустабид давлат эди. Ф. Энгельснинг Шарқдаги феодал мустабид ҳокимиятнинг тузилишини ва функциясини характерлаб беручи классик таърифи Бухоро ва Хева блан бир қаторда ўша даврдаги Қўқон хонлигига ҳам тўла тааллуқлидир. Бундай давлатнинг функцияси уч хилдир, чунончи: молия ишлари (мамлакат ичкарасида таланчилик), уруш (мамлакат ичкарасида таланчилик ва чет ўлкаларни талаш) ва жамоат ишлари (қайтадан ишлаб чиқариш блан шуғулланиш).

Қўқон хонлигидаги давлаг ҳокимиятининг шу уч функцияси халқнинг аҳволини ниҳоят даражада ёмонлаштирди.

Қўқон хонининг ташқи таланчилик мақсадида доимий суратда урушлар қилиб турганлиги ва айрим феодаллар ўртасида тўхтовсиз бўлиб турган қонли жанжаллар натижасида шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди.

Қўқон хонлигида молия ишлари ички таланчиликдан иборат бўлди. Оғир солиқлар ва ўлпонлар ҳисобига ўз хазинасини тўлдирган Қўқон хони халқ маорифига, халқнинг соғлигини сақлашга ва маданий-маиший эҳтиёжларига бир тийин ҳам сарфламади. Хонликнинг сўнгги соатларигача унда ҳатто оддий почта бўлмаганлиги ҳам буни очиқ кўрсатади. Солшқларни ундириб олишда эса, Қўқон хонлигидаги ҳукмрон тўдага ҳечким бас келолмас эди; амалдорлар, солиқ йиғучилар, мирзалар, танобчиларнинг сон-саногини йўқ эди; булар қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларидан беҳисоб кўп солиқлар, ўлпонлар, жарималар йиғиб олар эдилар. Бунинг устига, Қўқон хонлигида авж олган чоракорликни ҳам қўшсак, у вақтда меҳнаткаш деҳқонларга ҳосилнинг зўрага ўндан бир қисми қолар эди, чунки деҳқон ер ижараси учун, сув ва уруғ учун, ишлатган от-ҳўкиз, омоқ ва молалар учун бойга ҳақ тўлашга мажбур эди. Деҳқон қўлида қолган озгина ҳосилнинг бир қисмини руҳонийлар шилиб олар эдилар. Хуллас, оч-яланғоч яшаш—у замонларда ўзбек халқининг қисмати бўлган эди.

Қўқон хонлигида жамоат ишлари, жумладан суғориш тадбирлари, янги каналлар қозиш ишлари деҳқонлар учун ниҳоят даражада оғир, мажбурий меҳнат эди. Хонлар ва феодалларнинг амри билан бошланган каналларни қозиш вақтида мингларча кишилар касалликларга учраб, нобуд бўлар, толи-

қишдан, очликдан ҳалок бўлар эдилар. Деҳқончилик ишларидан зўрлик блан қолдирилган ўзбек деҳқонлари ўз вақтида экин экаолмас, ҳосил олаолмас ва натижада бутунлай хонавайрон бўлар ва кўпинча оилалари блан очлик азоби ичида ўлиб кетар эдилар. Қанча кулфатлар чекиб сув чиқарилган ерлар эса, яна ўша феодаллар қўлида бўлар эди.

Қўқон хонлигида шаҳар меҳнаткашлари ва, биринчи навбатда, ҳунармандларнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас эди. Улар ҳам судхўрлар ва феодаллар чангалида эдилар.

Текинхўр давлат аппарати, халқ қонини сўрган феодал ҳукмдорлар табиий бойликларга мўл мамлакатни вайронага айлантирдилар, тушкунликка учратдилар. Хонлиқнинг ҳамма ерида ваҳший, жоҳил феодаллар хўжайинлик қилди, оддий халқнинг ҳаётига, шахсиятига ва мулкига нисбатан чексиз зулм-истибод ҳукм сурди. Қуллик тартиблари ҳамма ерда очиқ ва энг қабиҳ шаклда давом этарди.

Ўрта Осиё хонлиқларида ва, шу жумладан, Қўқон хонлигида ислом дини феодаллар ҳукмронлигининг даҳшатли ва кучли қуроли бўлди. Ислом дини феодаллар ва хонларнинг ҳукмронлигини муқаддас деб э'лон қилди, ваҳшийларча талон-тарош қилишларни, қонли зулм-ситамлارни ҳимоя қилди, меҳнаткашларнинг озодликка интилишларини бўғди. Руҳоний бошлиқларнинг ўзлари ҳам феодалларга айландилар, чунки уларнинг ҳам қишлоқларда

кўплаб ерлари, шаҳарларда эси, қатор-қатор дўконлари ва иморат жойлари бор эди. Руҳонийлар ҳам меҳнаткашларни феодаллар ва хон амалдорлари сингари шафқатсизлик билан эксплуатация қилдилар.

Қўқон хонлигида ҳукм сурган қонли истибдол синфий курашни мислсиз кескинлаштирди, меҳнаткашларнинг ўқтин-ўқтин қўзғолон кўтаришларига олиб келди. Халқнинг шундай ҳаракатлари Бухорода ҳам, Зарафшон водисиди ҳам, Хоразмда ҳам бўлди. XIX аср бошларида айниқса кучайган халқ ҳаракати деҳқонлар ва ҳунармандларнинг феодалларга қарши, демократик интилишларини ифодалалди.

Ўша замондаги илғор кишилар меҳнаткашларнинг оғир, мушкул аҳволини кўрмасликлари мумкин эмас эди. Муҳаммад Шариф Гулханий ўз даврининг ана шундай илғор кишиларидан эди. Унинг ўзи шаҳарнинг оддий табақасидан бўлиб, ёшлигида шаҳар ҳаммомига ўт ёқучи (гўлоҳ) бўлиб хизмат қилган, сўнгра сарбоз(аскар)ликка олинган экан. Умр бўйи муҳтожликда кун кечирган Гулханий ҳаммиша халқ манфаатини деган. Бу ҳол унинг адабий ижодиётида тўла акс этгандир.

Гулханий ўзининг зўр таланти, катта тажрибага эга бўлганлиги, турмушдаги ҳодисаларга ҳаққоний ва танқидий қарайбилганлиги туфайли ёзуви сифатида кўзга кўринди. Унинг адабий ижодиёти ўша

даврда Қўқон хонлигининг ҳукмрон синфларига мақбул бўлган адабиётдан тамомила фарқ қилади. Гулханий ижодиёти хонларни ва феодалларни лаганбардорлик блан мақтаган сарой шоирларининг серҳашам, тутруқсиз поэзиясига ўхшамайди.

Қўқон хонлигида Умархон ҳамда ундан аввал ва кейин ўтган хонлар томонидан ўрнатилган мудҳиш тартиблар бутун маданий ҳаётда қора из қолдирди. Ислом дини схоластикаси фикрни бўғиб қўйди. Хон бадий адабиётдан ўз синфий манфаатини ифода-лаш учун фойдаланди; хонлик манфаатларини ёқлаган ёзучилардан хон ҳечнимани аямади. Бу ёзучилар ҳам чиройли тўн, бир товоқ палов, бир ховуч танга эвазига хонлик тож-тахтини, боқинчилик мақсадидаги қирғинчилик урушларини кўкларга кўтариб мақтадилар. Инсонлик туйғусини йўқотмаган, лекин Махмур сингари кишиларда бўлганидек истибдодга дадил қарши чиқиш хусусиятига эга бўлмаган, бирқанча талантли шоирлар ҳам ҳаётдан тамомила ажралган лирик шеърлар ёзиш йўлини тутдилар. Қўқон хонлигида Афсус, Фазлий, Ғозий, Хижлат ва шулар сингари кўп сарой шоирлари хондан олган садақалари эвазига формаси нафисдек кўринган беҳисоб тутруқсиз шеърлар ёздилар.

Гулханий ижодиёти эса, сарой поэзиясидан тамоман фарқ қилади. Гулханий ўз асарига халқ манфаатларини куйлади, уни кенг оммага тушу-

нарли қилиб масал йўли блан ёзди, жозибали сюжет танлади, халқ орасида кўп тарқалган мақол ва ҳикматли сўзлардан ўринли фойдаланди, шу сабабдан унинг асари халққа жуда манзур бўлди, неча марталар қўлда кўчирилди ва кўп тарқалди.

Гулханий ўз юртининг қандай оғир аҳволда қолганлигини, меҳнаткашларнинг шафқатсизлик блан эксплуатация қилинаётганлигини равшан кўрди. «Зарбулмасал» нинг: «... айёми нофаржомда»¹ деган сўзлар блан бошланганлиги бежиз эмас. Гулханий Фарғона блан Миёнқал қадимги шаҳар ва қал’аларнинг харобалари блан тўлган, бу харобаларда фақат япалоққуш блан бойўғлиларгина уя қурган, деб ёзди. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири «Бухоронинг ҳар туманидин минг чордевор» топганини айтади. Таланган ва вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқлар, жумладан, Ургут, Шаҳристон, Ганчи ва бошқалар «Япалоққуш ҳикояси»да аниқ кўрсатилади. Феодалларнинг мудҳиш ҳукмронлиги қандай оқибатларга олиб келганлиги ана шундай очиқ ва тўлиқ тасвирланади!

Гулханий халқни аянч аҳволга туширган йиртқич феодалларни Бойўғли ва Япалоққуш образларида тасвирлайди. Ўзаро уруш-жанжаллар натижасида уларнинг бойликлари қўлдан кетади, кўрғонлари вайрон бўлади. Бойўғли ўз қизи учун минг

¹ Нофаржом — бахтсиз.

чордевор қалин сўрайди. Бойлиги қўлдан кетган Япалоқбиби ўзини жуда баланд тутади, гердаяди. У ўғлининг отини Кулонкир султон қўйиб, қушларнинг султонларига тенглаштирмоқчи бўлади. Кулонкир султон эса, меҳмонларни сарқит ошлар блан кутиб олади, ўзи ҳам «овқатдан бир олган эдики, табақ тубига тушди». Мағрур Япалоқбибининг аҳволи ҳақида «уйнда чакса уш йўқ» дейилади.

Гулханий ўзини Кайқубод харобасининг подшо-симан, деб ҳис қилган феодал Бойўглининг шармандасини чиқаради. Пасткаш, хасис Бойўгли қизининг қалини тўғрисида узоқ савдолашади. У ўзболасини буюм блан тенглаштиради, ўзи дағал, кеккайган, шу блан бирга «Абдурахим судхўр баққол мумсикдек кўп хасисдир...».

Гулханий ҳикоясидаги бошқа феодалларнинг образлари ҳам ана шундай ўткир тасвирланади. Қўқон аристократлари ўзларини комил мусулмон, дин муҳиблари қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Лекин ҳарқандай пастликларни қилишдан қайтмайдилар.

У даврда мукаммал билим олиш имкониятига эга бўлмаган Гулханий хонларнинг саройларида давлат ишлари блан шуғулланадиган, халқ манфатларини кўзлайдиган, доно ва адолатли кишилар топилса эди, деб орзу қилади. Гулханий ёзадики, хон-бекларнинг атрофига пуқул «ошхўр ва жомадарронлар» тўпланиб олган. Улар «таом емоққа

ҳозир, маслаҳатга ақли қосир». «Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳарким бу тоифадан муруват тилабдур, гўё тол ёғочдан зордолу тилабдур...». Гулханий сарой аҳлидан бўлган Шўранул образини қойил қилиб тасвирлайди: «Шўранул қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, харомзодаи тарроп ўғри мишиқ, ҳариф айёр, солор давлатмандлар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўнбешини қўйнига урган...».

Асарда хазиначи Қордоннинг шум, айёр, ўз ниятига эришмоқ учун ҳеч нарсадан тоймаслиги кўрсатилади. «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эма билмас қўзилар ўз онасини эмалмас». «Эғасини сийлаган, итига сўнгак ташлар» дейди Қордон. Хон-беклар билан сўзлашганда бўйни қисик Қордон, ўзидан бундайроқларга дағал гапирди. Сўз олишув вақтида у Бойўғлини кекирдагидан бўғиб, тавба қилдиради.

Гулханий мусулмон динининг корчалонларини ҳам қаттиқ танқид қилади. Руҳонийларга писбатан ўткир иборалар ишлатиб, уларнинг нодон, каллаварам, очкўз, пулпарастлигини тасвирлайди. «Сўфи Қўчқордек бўлса нодон, ҳақ сўз анинг олдида ёлгон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ, вирди анинг ҳарза фасих...». Саидлар ҳақида Гулханий бундай дейди: «Тўғри сўзга тўғоноқ, изо ва кулфатга ёвқуроқ, макр ва хийлада шайтондан муфсидроқ, кўринмоқ-

қа юзсиз, сўзи тузсиз,... шарорат пешаликда Ҳомондин шадидроқ». Қўқон муфтисини бутун Қўқонга ном чиқарган ўғри, муттаҳам Каж ва Фажга ўхшатади. Булар маккорлиги ва ёлғончилиги блан танилган. Гулханий муфтини ҳарнимани чатоқ ёзадиган, бефаҳм, беидрок, мақтончоқ, ҳавойи киши эди, деб кўрсатади. Ана шундай муфти «ўзини ҳаммадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар эди».

Гулханий бор вужуди блан халққа тарафдорлик кўрсатади. Гап халқ тўғрисида борганида мақсадини дангал ифодалайди.

Хонликда меҳнаткашларнинг чексиз оғир қисмати туя ҳақидаги масалда баён қилинади. Туя ўз бўтасига қараб бундай дейди:

Кўрки, бурундук кишининг қўлида,
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида,
Менда агар зарра каби ихтиёр,
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Гулханий халқ орасидан етишиб чиққан кишиларни ҳурматлайди, уларнинг олижаноблиги ва софдиллигини феодал аристократларнинг сотқинлигига ва мунофиқлигига қарши қўяди. Масалан, бир амалдорнинг қули Турумтой мана бундай тасвирланади: «... сафар ва ҳазарда ҳамроз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, ... сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгучи... эрди». Турумтой ҳар ишга моҳир ва ҳуш'ёр киши қилиб кўрсатилади.

У даврда ёзучининг халққа ҳурмат ва хайри-

хоқлик билдириш блан бирга, хонлар, беклар, бойлар ва муфтиларнинг кирдикорларини барала очиб ташлаши ҳазил иш эмас эди. Ўз асарлари блан амирнинг ваҳшатларига қарши чиққан шоир Хозиқнинг фожиасини, ўз шеърларида халққа иззат-ҳурмат билдирган шоир Мужрим Обиднинг фожиасини Гулханий жуда яхши билар эди. Хоннинг амри блан, эркесвар кишилардан нақадар шафқатсизлик блан ўч олинганлигини Гулханий ўз кўзи блан кўрган. Гулханий бундай жазолардан чўчимай феодаллар ва бойларга қарши сатира ёзган.

259285
Гулханий «Зарбулмасал»нинг характерли томони шундаки, у, бўлган воқиа ва фактларни ўз ичига олади, у ҳақиқий турмушдан олиб ёзилган. Лекин ёзуви ҳикояга қатнаштирилган бирталай кишиларнинг айниқса, аристократларнинг кинояли ва масхафали образлар блан, чунончи халқ орасида ёмон тасобланган бойўғли, япалоққуш, қарға ва бешкақушларнинг номи блан олмоштиришга мажбур бўлган. Ба'зан эса, савдогарлар, муфтилар, судхўрлар ва шу кабиларни ўз номлари блан атаб, уларнинг кирдикорларини фош қилади.

Гулханий асарлари ҳали жуда кам ўрганилган, у чуқур ўрганилиши ва пухта изоҳланиши лозим.

Гулханийнинг нашр этилаётган бу асарини ўқиган совет китобхонлари ўзбек халқи сатирик прозасининг ўтмишдаги энг яхши намунаси блан танишадилар. «Зарбулмасал» («Япалоққуш ҳикояси»)

оддий халқ орасидан чиққан ёзучи Гулханийни— Қўқон хонлигидаги феодаллар табақасининг мурасасиз душмани, уни фош этучи киши, умр бўйи оддий халқ билан бирга бўлган ва унинг манфаатини куйлаган ёзучи эканлигини кўрсатади.

Гулханий ўз даврининг ҳақиқий фарзанди эди. Унинг асарларида ўз даврининг шароити билан изоҳланадиган камчиликлар бор. У ҳеч ерда умуман хон ҳокимиятини қораламайди, фақат ёвуз хонларни ва феодал ҳукмдорларни ла'натлайди. Гулханий руҳонийларнинг қабих қилмишларини фош қилгани ҳолда, ҳечбир ўринда ўзининг атеист (худосиз) бўлганлигини баён қилмайди. У ўзининг «Зарбулмасал»ида мустабид хонга ёки текинхўр феодалларга қарши курашучи халқ қаҳрамони образини яратаолмади. Лекин Гулханийнинг хизмати шуандаки, у XVIII — XIX асрлардаги феодал жамиятининг ҳукмрон синфларини фош қилабилди.

Буржуа миллатчи тарихчилар ва адабиётшунослар Умархон даврини Қўқон хонлигининг «олтин даври», хўжалик, маданий юксалиш даври, деб тасвирлаган эдилар. Гулханий ва Махмур каби халқпарвар ёзучиларнинг ижоди бу тамомила нотўғри, тутруқсиз афсонага қарши яна бир зарбадир.

Ёзучи Муҳаммад Шариф Гулханий яратган мероснинг чинакам фазилатларидан бири шундадир. Унинг асарлари ўзбек классик адабиёти хазинасига қийматли ҳисса бўлиб қўшилади.



ЗАРБУЛМАСАЛ

(Япалоққуш ҳикояси)

Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, илгариги айёми пофаржомда Фарғона иқлимида Кайқубод отлиғ подшоҳлиғдин қолган бир эски шаҳристон бор эрди. Анда бир Бойўғли деган ватан тутмуш эрди. Аммо анинг ҳавоси хуш ва боди дилкаш. Сабза, раёҳин, анво' гуллар, чечаклар касратидин, қўрғон баҳор чоғда товуснинг парларидек турланиб, мунаққаш кўринур эрди. Ва анинг ёнинда бир ёғочлик ерда Япалоққуш маскани, ота-бобосидин қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўғлининг бир қизи бор эрдикн меҳри ховарий юзига банда эрди.

Оразидин шамсу қамардур хижил,
Сўзларидин шаҳду шакар мунфаил,
Ҳосили умри эди ул бойни,
Оти Гунашбону ўшал ойни.

Ул қиз офтоби оламтобдек ҳар хомни пиширур,
ҳеч махлуқ ани кундузи кўрмоқға чораси йўқ эрди

ва ул қиз юзиши яширур эрди. То баҳаддики аломати булуғ зоҳир бўлуб, тиши чиқиб, кўзи сузулиб, онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади. Онаси қабзланиб:

— Эй болам, кўнглунгиз эр тилар ўхшар, ошуқманг. «Ошуқгон қиз эрга борса, ёрчимас»,— деб эрди.

Қиз итоб қилиб айтдиким: «Эй она, сиз бизга сабр ва таҳаммул сари йўл кўрсатурсиз, мени оладурган йигитнинг ҳам отаси айтурки: «Бош омон бўлса, бўрк топилур».

Булар бу сўз устида эрдиларким, Япалоқ Кўрқушни имлаб олиб, ёнида ўтқузуб айтдики:

Зонки дар офоқ з барноу пир,
Ҳечкас аз жуфт надорад гузир¹.

Бизнинг қурратул'айнимиз эр етиб, ерда маслаҳат қилади. Бойўғлининг бир чиройлик қизи бор эмиш. Бизнинг тарафдин совчи бўлиб боринг. Ҳарқанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўрқуш айди: — «Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур» деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзининг бурчидин чиқар: «Минг чордевор қизимнинг қалини» деб. Ҳоло... бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким айтмишлар:

¹ Мазмуни: дун'ёда бўлган ёш ва қарининг жуфтсиз бўлиши (уйланмаслиги) мумкин эмас,

«Ўлгон масал турмас», «уят—ўлумдин қаттиғ». Яна айтмишлар: «эрман ёғочининг эгилгани—сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани»...

Анда Япалоққуш айди: «Мен сизни билимлик ва ма'нидин бохабар киши фаҳмлаб эрдим, «карнай мисдин, балғам исдин» бўлурини билмас экансиз. «Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас».

Анда Кўрқуш айди: «Мен хотун олмоқ таманносин ғарқоби эмасман, нечукким айтмишлар: «Дала тузни сув олса, қўнгғур ғознинг тўшидин, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидин».

Анда Япалоққуш айди: «Бурпоғилар масалидурки, «битар ишнинг бошига — яхши келур қошига». Яна бири булки, «бемор тuzалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур».

Анда Кўрқуш айди: «Бўл! «Оғиз бўлма, оёқ бўл», эшитмадингмуки, «оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа». Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким? Ҳеч билмасмусанки, «тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла».

Анда Япалоққуш айди: «Бизнинг нима камлигимиз бор?..»

Кўрқуш айди: «Борликдан мақтанма, айтмишлар, «Ўзини мақтағони, ўлумнинг қоровули». Сенинг аҳволинг оламга ма'лумдир. «Ойни этак бирла

яшурса, бўлурму?», «чумчуқ семирса, ботмон бўлурму?», «ола кўзан ола бўлса ҳам, арслон бўлмас», «ола тўғоноқ олғур бўлса ҳам, аҳволи ма'лум».

Анда Япалоқ айди: «Сен бизни фақир-потаови кўрдингму? Мундин беҳабар ўхшарсанки, «Чўбини хор тутсанг, кўзга тушар». Бор, мен бирла сўзлашгунча, Бойўғли бирла сўлашгил.

Анда Кўрқуш айди: «Эй Япалоқ, куёв бўлур ўғлингнинг отини айтгил».

Анда Япалоққуш айди: «Ўғлимнинг номуборак оти Кулонкир султондир».

Анда Кўрқуш айди: «Мундог фаҳм ва хирад манзилидин ўтмаган кишиларни кўрган эмасман. Эчкунинг оти Абдукарим бўлурга сўз керак. Бурунгилар анинг учун «эби блан сўзлаганнинг қурбони бўл»,— деган эканлар. Кулонкир султон от қўймоқ сенинг қаддингму? Бу от — Ҳумо, Уқоб, Қарчиғай, Баҳрий, Лочин, Итолгу қушларининг салотинидурлар, аларга муносиб от турур.

Анда Япалоқ айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурки, «Яхши нафас, ярим мол», бари боламнинг асбоби кулонкирлиги минқори блан чангалидан ма'лум ва равшан эмасдурму?»

Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан. «Кўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, ога бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур». Лекин «Халво деган бирла оғиз чучумас».

Так'я баржойи бузургон натавон зад багазоф,
Магар асбоби бузурги ҳама омода кунӣ:

Сенинг бу сўзинг қарчиғалик дағдағаси каланг бошига тушуб, дуррож шикорин ихтиёр қилиб, ўзи балчиққа ботиб қолганига ўхшар. Ори, ҳаддин ҳар кишиким ошса, жазоси шундоғ бўлур. Бу сўзнинг тафсилини «Силсилатуз-заҳаб»² дин топ. Бурунғилар масалидурки, «Аёз, ҳаддингни бил, барчани қўй, ўзингни бил», «Намангон — шаҳри вайрон, оти улуғ, суфраси қуруғ», «Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш танур», «Сичқон сиғмас инига, ғалбир боғлар думига»—деган иборат сенга содиқ келур.

Анда Япалоққуш айди: «Эй Кўр, бас, каланг қарчиға ишини қилурман деб, балчиққа ботиб ўлганини менга ҳикоят қилурсан, мен ҳам бино ва нобино ҳикоятин билурманки, нобино бино сўзини қулоққа олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақдириб ҳалок бўлди. Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баёни воқиасини иста санг, «Калила ва Димна»³ дин топ».

Анда Кўрқуш айди:—Эй бесабр! Сен ўз яро-

¹ Мазмуни: Улуғлар жойига суяниб, беҳуда мақтанма. Аввал улуғлиқнинг ҳамма шартларини тайёрла.

² «Силсилатуз-заҳаб» — машҳур тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг достонидир.

³ «Калила ва Димна» машҳур масаллар тўпламидир.

ғингни қилгунча, сабр қилсанг, хўбдур. Сабрни яхшилар андоғ та'риф қилмишлар:

Сабр блан баста эшикидур кушод,
Сабр блан топди эранлар мурод.
Сабр сенинг дардингга дармон бўлур.
Сабр блан хор гулистон бўлур...

Анда Япалоққуш айдиким: «Ори, балоға сабр, қазоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ. Лекин сабр-пинг жойи блан ҳузн ва андуҳдин бўлак нимарсаси йўқ. Сабр қилиб, яхши иш қўлдин кетса, ўхшамас...»

Анда Кўрқуш айди: «Ёмонга ўлум, муҳим хайр ишга юборур киши бу нав' бўлурму?... Сенинг бу ношойишта сўзингга бормасман. Бир масали борки: «Зўри беҳуда миён мешиканад».¹

Анда Япалоққуш айди: «Сен маннон лилхайир ўхшарсан, сендин совуқ ҳасад иси келур.

Анда Кўрқуш айди: «Мен совуқ ҳасад қариндоши эмасман, сени ҳўб билурманким: «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам, қуйилмас» дерлар. «Ҳарамзоданинг қуйруғи бир тутам». Менга кўп юз келтурсанг, нечукким қадимғи яхшилардин бир масал қолибдур: «Яхшилиқ қил сувга сол, сув билмаса, балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур». Аввал бориб Қулонкир султон жамолини кўриб, аянинг совуқ сўзини эшитиб, сўнгра борсам керак». деб Қулонкир султон хизматига равона бўлди. Ярим

¹ Мазмуни: «Беҳуда зўр уриш бел синдиради».

фарсах йўл берганда, бу аснода бир Худҳуд йўлуқ-ти, саломлашиб айдики: «Қайси ош'ени баланддин парвоз қилдинг?» Анда Кўрқуш айди:

«Бизнинг парвозимиз ма'лумдир».

Анда Худҳуд айди: «Эй Кўр, мен муаммодин беҳабарман, тўғри сўзинг бўлса, сўзла. Мофиз-замиринг менга баён қил».

Анда Кўрқуш айди: «Мен Япалоқ биби совнисидурман, Бойўғлининг қизига хосткорликка борурман».

Анда Худҳуд айди: «Япалоқнинг беҳирадлиғини эмди билдим. Ҳар ойна ўз жинсидин, япалоқлар қуруғопдек сени юборурму?... Сенинг серка тиларга лаб-лунжинг йўқ экани ма'лум ва машҳурдир. Ва яна қўлидин келмас ишга урунган, нажжорлик қилгон маймунга ўхшаш расво бўлма»...

Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил».

Худҳуд айди:

«Бор эди Қашмир навоҳийда тоғ,
Боғи эрам рашкидин кўксида дор.

Анда иморатга яроғлиқ яғоч,
Етти қулоч, бўйи ўн икки қулоч.

Бор эди кўп не'мату алвонлари,
Хурраму ма'мур эди ҳайвонлари.

Зулф каби сунбули хушбўлари,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Ўйдин улуғроқ эди бир гулбунй,
Анда ватан тутмиш эди маймуни.

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан,
Ўқур эди қиссаи ҳуббул-ватан¹.

Бир куни нажжори хирадманд фард
Кўнгли яғоч йўқлиғидин қилди дард.

Борди ўшал тоғқа мавқуф эди,
Эзгу яғочлар анча ма'руф эди.

Шаҳрнинг зиндондин озод ўлуб,
Тоғнинг Шириниға Фарҳод ўлуб.

Сонур эди ўзини тоғ Хисрави
Тоғни ўқуб Диҳлавийи ма'навийи,

Элина навкиссаларин қистари,
Расм эди нажжор яғоч истари.

Эгди у дил гўшасининг пардасин,
Белга суқиб теша блап аррасин.

Бориб анга кесди яғоч решасин,
Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.

Ўзга тоғқа бориб, яна кесди яғоч,
Ёрмоғини қилди магар ул илож,

Болта била бир учини ёрди ул,
Пона қўйиб, теша сари борди ул.

¹ Бу сатрнинг ма'носи: Ватанни севиш ҳикоясини ўқур эди.

Тушти баногоҳ анга маймун кўзи,
Оқилу доно санаб, ул дам ўзи.

Айди: «Улус ичра бу бир касбдур,
Қасбни бошина кийсанг насбдур.

Қийса гар арзир эмиш элга ҳунар,
Беҳунар элни дедилар риши хар.¹

Мен дахи нажжорлиқни ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали,
Я'ни яғоч қолмишини ёрғали...

Минди яғоч устига нажжордек,
Қосибн пуркардаи пуркордек.

Кетди ҳунар шавқи била ғуссаси,
Тушди яғоч айрисига думчаси,

Балки недин бўлди тугулмоқлиғи,
Мумкин эмас ўлди қугулмоқлиғи.

Одами жинсида йўқ қиссаси,
Қолди анинг думчасининг ҳиссаси.

Билгилки, маймун нажжорлиқ қиламан деб, қўл-
га тушиб, эртадин кечгача калтак бирла уруб ўй-
натиб, балоға гирифтор бўлгандек, сен ҳам муҳум
хайр ишини биткаролмай, мулла Исо авлиё бир-
ла Абдурахмон офтобачидек халқнинг ла'нат сўзи-
дин чиқмай юрма. Ёмон испод сендин қолур».

¹ Риши хар — эшак соқоли демакдир.

Кўрқуш айди: «Мен ҳали бу ишда ҳаммол-
ликка равом йўқ, лекин тақдир билур .

Одами кўп ҳилаю тадбир этар,
Лек ишининг охири тақдир этар.

Сен теванинг бўтаси онаси бирла мунозара қи-
гонидин беҳабар ўхшарсан».

Ҳудҳуд айди: «Ҳикоят қил».

Кўрқуш айди:

«Бор эрди Фарғонада бир сорбон,
Теваси бор эрди — туғди ногаҳон.

.

Аҳлу иёли анинг бас эрди чўқ,
Озуқадин кулбасида парса йўқ.

Ҳосили дун'ёда эди бир теваси,
Эмадиган орқасида бўтаси.

Бир кун и ул тевасини қумлади,
Ортадиган юкларини жўблади.

Юки оғир эрдию ҳам йўл йироқ,
Ўртади тайлоқни нори фироқ.

Фасли тамуз эрди, ҳаво кўп исиг,
Йўлда темурдек қумлар қизиқ.

Оч ўтина куйди, анодин жудо,
Модарининг меҳрида эрди адо.

Жаҳд ила етмай аносин кенидин
Қумда куярди, ғам и ул сийнадин.

Оғир юки йўлда ўшал сорбон,
Йўлда чўкурди тузатай деб равон.

Бўтаси бориб эди орқасидин,
Ёнди ҳароратлар яғмосидин.

Юзланиб айди: — Ҳоло бераҳм онам,
Қуйдию ёнди, тутоштию танам.

Аста-аста юрсанг, бўлгай на ғам,
Сийнаи сутингдин эмай дам-бадам.

Айди онаси боласига боқиб,
Қўзларининг ёшлари сувдек оқиб:

— Кўрки, бурундуқ кишининг қўлида,
Бу кишининг қўзлари ўз йўлида,

Менда агар зарра каби ихтиёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор.

Бурунғилар масалидурким: «Қизни ким суй-
мас, қимизни ким ичмас», «Қарнайчидин инма ке-
тар? Бир пуф».

Айда Ҳудҳуд айди: «Ори, амонат сўзга амин
бўлмоқ яхшилар шеvasи турур. Сен дахи кулни ўз
кумочинг устига тортма ва дурадгордек тешани ўз
тарафингга чопма.

Монанди роҳи арра бош ту дар илми маош,
Гоҳи сўйи худ мекашу гоҳи мепош.¹

¹ Таржимаси: Тирикчилик илмида арра сингари бўл,
ба'зан (қипиқни) ўз томонингга торт, ба'зан соч.

Монанди арра бўл, ду жонибга камоҳаққуҳу тушуб сўзлашгил...» деб видо'лашиб кетди.

Алқисса, Кўрқуш Кулонкир султон боргоҳига равона бўлуб, сарманзилга етди. Кўрдиким, ажаб ша'н-шавкатлик боргоҳи бор эканки, савсан кўп тил бирлан анинг васфидин ожиз ва ҳар турлук муарриф та'рифи ша'нида ожиз:

Кўрди тикилган эди бир боргоҳ,
Боргоҳи хисрав анжум сипоҳ.

Қунгираси кўкка тегиб ўрдалар,
Хаймау хиргоҳу саропардалар.

Бирнеча қушлар била ҳамроҳ ўлуб,
Булбулу қумри била дамсоз ўлуб.

Нағмаи қонунлиғини соз этиб,
Да'вийи фир'авилиг оғоз этиб.

Кўрқуш бу асоси—боло қиёси кўруб, боргоҳ дарвозасидан «Салом, ҳай-ҳай!» овозининг савлатидин киролмай ўлтуруб қолди. Кулонкир султон хизматида бир Қуйкунак отлиғ қуллари ҳозир эрди. Кулонкир султоннинг Кўрқушга назари тушуб, Қуйкунакка буюрдиким, «Бориб гуломгардишда ўлтургон одамдин хабар ол. Муҳтож, мустамандму, ё оч ва ялағочликдин келдиму? Сазовори хайр бўлса, мунда олиб кел».

Анда Қуйкунак илгари қадам қўюб, Кўрқуш олдига келиб айдиким: «Эй бобо, қайси ош'ёнаи баланддин парвоз қилдингиз?».

Анда Кўрқуш Куйкунакнинг такаббуруна сўзини англаб айтди: «Эй болам, сен сўргучи бўлгунча, мен жавоб бергучи бўлгунча, иккимиз ҳам гойиб бўлсак яхшидур».

Анда Куйкунак айтиди: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар» дегандек, я'ни бизни аркони давлат аросида кичкина кўрдингизму? «Кичкина деманг бизни, кўтариб урармиз сизни», ёинки «Куйкунак ўз ерида ғоз олур ҳам ўрдак»... «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил».

Кўрқуш анинг худ донолигини англаб айтиди: «Эй болам, сен онасига ўргатган қизга ўхшарсан. Ё отасига ўргатган ўғилга ўхшарсан. Бурунгилар масалидурким: «Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялар». Меҳмон бўлсам, та'зим қилсанг лозим эрди».

Анда Кулонкир меҳмонга озор берганини англаб, Куйкунакни жеркиб, кўзидин андоғ на'ра, солдиким, қайта кўрмаклик номумкин бўлди. Бас Кўрқушни имлаб олиб, ёнида жой бериб, айтидиким: «Эй бобо, хуш келибсиз. Ма'зур тутунг, ўзингиздек кишилар дебдурларки: «Танимасни сийламас».

Анда Кўрқуш сўзга дарафтод бўлди. Ва айтиди: «Улугнинг боргоҳида аҳли дониш ва хирадманди боҳуш ҳарқанча кўп бўлса ҳам, оз бўлур. Хусусан подшоҳи одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур. Аввал, олими боамалки, подшоҳнинг охирадлиқ асбобини анга кўргазса. Иккинчи, вазири соҳиб ра'йки, подшоҳнинг дун'ёлик яроғини тарад-

лудида бўлса. Учинчи, муншийи рост навис, қаламзани нигоҳдор ва шамширзан. Ҳоло бу турган ошхўр жомадарронлар таом емоққа ҳозир, маслиҳатга ақли қосир. Қадим бузург машойихлардин бизга бир масал қолибдурки: «Эсинг борида этагингни ёп», ёинки: «Яхши билан юрдинг — етдинг муродга, ёмон билан юрдинг—қолдинг уётга», ёинки: «Ёмонга ёндашсангиз, балоси юқар, қозонга ёндашсангиз, қораси юқар»... Биз қўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрган эдук...»

«Бу тоифанинг оз хизмати, кўп миннати бўлур. Ҳарким бу тоифадан муруват тилабдур, гўё тол ёғочдин зордолу тилабдур...».

Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонга боди сабуҳидек та'сир этти ва насойиҳнинг абири жони комиға турктоз этти. Баҳаддики вужуди вайронаси ма'мур бўлуб, ободонлиқға юзланди, Кулонкир султоннинг илгариги меҳмонидин қолғон оши бор эрди, ани Кўрқушнинг олдиға қўйди, айди: «Оз ошға имдод йўқ».

Айда Кўрқуш айди:

«Карам на эрди бахиллик сўзини дединг, э шоҳ,
Оз ошни бергуча мундин знёда ўту олов».

Айда Кулонкир султон айди:

«Аз карам нест бахили кардан,
Хон ниҳодан таом хўрдан беҳ!»¹

¹ Бахиллик қилиш карамдан эмас, дастурхон қўйғач, таом емоқ яхшидур.

«Оз ошим, ғавғосиз бошим» деб, ёлғуз иноят қилинг».

Анда Кўрқуш айди: «Ош эгаси блан тотлиғ».

Кулонкир султон «Хўб бўлур, ошга деганда қуруқ калла югурур», деб қўл узатаберди. Бир емоғлиқ қилдиким, табақ тубига тушди. Кўрқуш ҳарқанча тараддуд қилди, ошни табақ тагида топмади.

Анда Кўрқуш айди: «Қалон китоб таржимаси турурки, «Енғлар, ичинғлар, исроф қилманғлар». Бу нечук ош емоғлиқдур?».

Анда Кулонкир султон айди:

«Бизнинг ша'нимизда исроф эмас, мунда оз олиб, оҳиратда ҳисобини кўп берганча, мунда бир олиб, анда жавоб берсам яхшидур. Турунг, муҳим хайрға тааммул қилманғ», деб жавоб берди.

Алқисса, Кўрқуш жид ва жадал бирла Бойўғли сарманзилига равона бўлуб, қат'и манозил ва таййи мароҳил қилуб, муддао девориға боши ва истид'о ҳадафига мурод ўқи тегди. Замондин сўнг Бойўғли Кўрқуш келганидин огоҳ бўлуб, анинг олдига чиқиб, «Ҳайра мақдам бирра'си вал-айн¹, хуш келибсиз, сафо келибсиз», деб та'зим ва тавозу' бирла кўрушуб, бир-бирининг юзини чўқушиб, Бойўғли Кўрқушни уясига қўндурди ва олдига моҳазар қўйди. Кўрқуш сўзламасдан бурун таомға тушаберди.

Бойўғли айди: «Таом емакда сўзлаб емак ях-

¹ Қадамлари бош устига, кўз устига.

шидур, ҳайвондек хомуш таом емак, озода мардум шевасидан эрмас».

Анда Кўрқуш айди: «Сўзламасдин ўзга чора йўқ. Лекин илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Аввал таом, сўнгра калом». «Айрон тилаб келсанг, челакингни яшурма»— андоғ воқиғ ва огоҳ бўлингизким, сизнинг толи'и гардунигиз саодат партавлик, мастуралик садафидин пайдо бўлган, Кулонкир султонга муносиб, Гунашбону исмлиқ нозпарвар маҳлиқо қизингиз бор эмиш. Япалоқнинг боласи Кулонкир султонга муносиб кўриб, совчи бўлиб келдим. Сиз бир ширин жавоб беринг. Англаб бориб тараддуд қилали», деди.

Анда Бойўғли айди: «Ори, боланинг бўйи етибдур. Ўзидин сўраб жавоб берсам керак», деб, туруб, қизининг олдиға кирди:

«Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкир султон ҳавохоқ бўлиб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?»

Анда Гунашбону ойим, нечукким рўзгор қизларининг а'лоларидур, «Сукут—аломати ризо» дегандек, бошини қуйи солиб, ўлтурди. Бойўғли қизининг майлини билиб айдики: «Бу болиғанинг кўнгли эр тилар ўхшар» дегач, қиз тилға келиб айди: «Эй бема'ни чол, соқолингдин уял. Хомуш турмоқлиқ жавоби бўйла бўлурму? Хайр ишиға мутакаллим бўлгоннинг хитоби бўйла бўлурму?..»

Анда Бойўғли айди: «Эй бошинг кесилгур, англагон эмасмусан — «Ултирган қиз, ўрин топар».

Анда Гунашбону ойим айди: «Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиғи бор», «Кечки экиннинг хатарри бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли билдиким, «Тадбирнинг енги блан тақдирни яшуруб бўлмас». Ўрнидин туруб Кўрқуш олдиға чиқди.

Кўрқуш айди: «Бўримисиз, тулки?».

Анда Бойўғли айди: «Бу даф'а боринг, дахи бир жавоб олурсиз, илгари ўтган яхшилардин бир масал қолибдур: «Ёлғуз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса, донги чиқмас» ва яна «От олсанг, ўюнг бирла кенгаш» — дебдурлар. Мен ҳам қариндош-уруғимни йиғиб, машварат айлаб, анга яраша сизға жавоб берсам керак», деди.

Анда Кўрқуш айди: «Хайр ишиға истихора ҳожат эмас».

Нечукким Хожа Ҳофиз Шерозий айтибдурларки:

Даркорн хайр ҳожати ҳеч истихора нест.¹

Анда Бойўғли айди: «Боламнинг ихтиёри қўлидадур».

Анда Кўрқуш айди: «Андоғ бўлса, бир чучук

¹ Яхши ишни бажариш учун фол очиб ўтиришнинг кераги йўқ.

жавоб беринг. Англаб бориб жавоб берай» деди.

Анда Бойўғли айди:

«Дар ҳамакор машварат бояд,
Кори бемашварат науқ нояд».¹

Кўрқуш айди: «Машварат бағоят яхшидур. Донишлик бирла қилмоқ керак, боргоҳи ақл ва донишдиндур. Хирад сарчашмасидин кўр, эл изоси анга машҳур. Оч юруб кекирган, оғзи бирла ишини битирган, гоҳ бечоралиққа иқрор, гоҳ ўзини Таҳматан² олучи баҳодир жаррор; муфт топилганда ошар, ичи пўк, кўзи лўқ нодонларга Умар-иёр, донишмандлар сафида нақши девор, элга ма'лум ва машҳур Муҳаммад Содиқ заргарнинг ўғли паришон рўзгорға кенгашиб, бизни аро йўлда қўйманг».

Анда Бойўғли айди: «Фаросат оёқи оқсоқ, тевадек егани шўра ва янтоқ, илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга тоқ, оёғидин осилган сутқоқ қушға ўхшаш Жалил бўқоқ ошпаздек бош аҳмоқ эмасман. «Кўпга кенгаш, ўз билганингни қил» дебдурлар».

Алқисса, Кўрқуш бу навиди фараҳ афзони эшитиб, хурсанд бўлуб, Япалоқ биби манзилиға равона бўлди. Ва анинг сарманзилиға өтти. Бойўғлининг

¹ Мазмуни: Ҳарбир ишда, маслаҳат лозим, маслаҳатсиз иш яхши эмас.

² Қаҳрамон Рустамнинг лақаби.

ончаким, муҳум хайрга рағбати бор эрди, баён қилди.

Алқисса, Япалоққушнинг бир қарга дўсти бор эрди: Шўранул қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодаи таррор ўғри мишиқ, ҳариф айёр, солор давлатмандлар аснофида мумсики беор, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйниға урган, тумшуғи Зокирбой кафшфурушнинг тумшуғиға ўхшар экан. Ўшал диёрда Малик Шоҳинки, қушларнинг шоҳлиғи анга мансуб эрди ва Кулонкир султон анга дангалнишин паҳлавон эрди, Шўраулни Малик Шоҳин жанобиға севинчига чоптурди. Манзил ва мароҳил тай қилиб, Шўранул Малик Шоҳин боргоҳига келиб, та'зим ва тавози' бирла салом қилиб, Япалоқнинг руқ'асини узатди. Малик Шоҳин нома мазмунини англаб, бир замон таваққуф айлаб айдик: «Сани юбормаса, бўлмасмуди?».

Анда Шўранул айди: «Сарнавишти аҳли ма'ни чун қалам бошда сиёҳ».¹

Эй подшоҳи олампаҳо, ўзлари ма'ни фойдасидин бебаҳра эканлар. Сизга сурати ёмон бўлса, ма'нини куллий берса ҳам хуш келмас экан. Андоғ бўлса: Сўфи Қўчқордек бўлса нодон, ҳақ сўз анинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ, вирди анинг ҳарза фасиҳ, суратдан ҳеч ками йўқ ва ма'ни бежо

¹ «Илм аҳлининг бахти қалам сингарни қора».

кетса ғами йўқ; ва гоҳо кампирлардек энгашкан, соч-боғи ер супурган ва тақясини чекасига осган: «Оларда ҳисоби тўққуз, берурда саноғи ўттуз». «Тўғри сўзга тўғоноқ», изо ва кулфатга ёвуқроқ, макр ва ҳийлада шайтондин муфсидроқ, кўрунмоққа юзсиз, сўзи тузсиз, ёз — совуқ, қишда иссиқ, шарорат пешаликда Ҳомондин шадидроқ, курк товуқдек сувга пишарға ўнгроқ, одамизод аросида Сайид Азимжон манзур бўлса, мен андин аҳмақроқму?» деди.

Малик Шоҳин айди: «Баракалло, ўз айбин билган марддур» деди.

Малик Шоҳиннинг Қордон отлиғ хазиначиси бор эрди. Анга буюрдиким: «Бизнинг жонибдин Султон Қулонкир дангалнишинимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер».

Алқисса, Қордон камари ҳимматини ғаравдек неча ердин боғлади. Сўнгра замоне тафаккурга бориб, айдиким: «Авлороқ улким, аввал ўзим бориб Бойўғлига учрасам; ҳарна тилаган қалини тараддудида бўлсам; ўз қулоғим бирла эшитсам, анга яраша тўй тараддудида бўлсам. Ҳаржи исроф бўлмоғудек бўлсун», деб борурга азм қилди.

Қордоннинг жойидин Бойўғлининг маскани узоқ эрди. Балки муддате сафар эрди. Сафар яроғини бекам-кўст қилмоқ керак, агарчи дебдурлар:

«Тавакалту алаллоҳ»ни деган эр,
На талқону на қалқоннинг ғамин ер.

Ва яна бурунғилар дебдурлар: «Тўйға борсанг, тўйиб бор, тўрқа тўнинг кийиб бор», уйдин ғамланиб чиқмоқ керак. Бойўғлининг уйи бўлса, сичқон суягинин бошқа нимарса бўлиши зоҳир ва ма'лум эмасдур.

Алқисса, Қордоннинг ўзига сафар ва ҳазарда ҳамроз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, отасидин қолғон Турумтойи тез парвози, сўз келганда жилов сақламай рўбарў этгучиси бор эрди. Бозорга чиқтилар. Эрта кун кеч бўлди, офтоб пешин жойиға етти. Анда Турумтой айди: «Сазовори нафсингизни битказинг, ё султон амрини. «Икки суюклик бир кўнгилга сиғмас» дебдурлар. Ва яна яхшилар дебдурларким: «Икки кема тутган қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул денгиздин бир кема тутмагунча».

Анда Қордон айди: «Эй беадаб шум, хўжангга насиҳат қилғудек бўлдингму!... «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эмабилмас қўзилар ўз онасини эмомлас», камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини...»

Анда Турумтой айди: «Тақсир хато қилдим. «Оғиз ошга етганда бурни қонаган» мен бўлдим».

Алғараз Турумтой айдики: «Эй хожам, мен Ёдгор пўстиндўздин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар»:

Анда Қордон айди: «Бу сўзларга Ёдгор пўстиндўзнинг нима дахли бор турур? Мунинг тафсилини баён қил!»

Анда Турумтой айди: «Одамизод орасида Ёдгор булотқи деган бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўтка- рур сўфи от қуюб ва гоҳо соҳиб донишманди рўзгор олиб, дер эрдиким: «Йигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг марқадларини қилурда лой та- шиб, хишт берган мен эрдим». Ул вақтда ўлтурган жўралари айтур эрдиким: «Эй Ёдгор ака, рост сўз- лагин» десалар: «Муҳаммад қули Баҳодирдин бў- лакни билсам, худо урсун», дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар». Ва яна айтди: «Эй тўрам, бу сўзга ҳам қулоқ солинг- ки, Ёдгорнинг пўстин тикканин кўрсангиз, чокидин бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб дер эрдиким: «Бу қандоғ тикиш?» Ул жавобида: «Мушт ўтмаса яхши тикиш», дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар. Андоғ бўлса ҳам ўз қул- лари, афв қилғудекдур», деб бўюн сунди.

Қордон айди: «Гуноҳингни ўтдим. Сенинг ҳо- лингга мулоҳаза қилсам, кам сафарликдин бу сўз- ларни айтдинг. Сафарда кўп тажрибалар ҳосил бў- лур. Магар сен «Қалила ва Димна» дин беҳабар ўхшарсанки, Бозанда ва Навозанда қиссаларини сенга баён айлай».

Турумтой айди: «Тўрам, баён қилинг!»

Қордон айди: «Илгари айёмда икки кабутар бор эрди, бирини Бозанда, бирини Навозанда дер эрдилар. Кеча-кундуз бир ош'ёнада дамсоз ва бир кошонада ҳамроз эрдилар. Бир кун Навозанда Бо-

занданинг юзига боқди, овори малолат-андух пешонасидин мутолаа қилди. Айди: «Эй кўзумнинг нури ва эй маҳзун кўнглимнинг сарвари, замиринг кўзгуси хира, юзинг шиои тийра, айёми нофаржомдин нелар кўрдунг ва нелар тегди?»

Анда Бозанда айди: «Қадимғилар сўзидурки: «Арзон кира шаҳардин овора қилур». Ҳеч зод ва роҳила менда йўқ. Сафар қилмоқ дағдағаси бошимга тушубдур. Жон тўтиси тан қафасидин парвоз қилур».

Навозанда айдики: «Ҳайҳот, бу хом тарбузни қўлтуғингга олмаки, бу хаёли фосиддур. Дун'ё арусидек оразинг қизартиб, кўнгул ичинда чекканни чиқорғил... Эй ёри азиз, сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари эмас: бири ватанда авқоти кечмаедин ва яна бири—изо ва ихонатдин сафар қилурлар».

Бозанда айди: «Қадимғи яхшилардин бу сўз қолибдур:

Ҳар кимки сафар қилса, писандида бўлур,
Хуршед каби зиё ҳар дида бўлур.
Оламда нимарса йўқ сувдин тотлиғ,
Гар бир ерда мақом этса агар, ганда бўлур.

Осмонки ҳамиша сафарда, шамс ва қамар ва савобит ва ситораси сафардадур. Ерки ҳамиша соҳиб сабр ва сукундур, поймоли ҳар аҳли дундур. Гардун била кўкка боқ ва фикр эт! Кўк сурати бирла ер нечукдур. Бу икки олами боло ва асфалнинг орасида кўп фарқ содир бўлур. Дарахт бўстон ичра

тақаммул қилмаса эди, жафойи арра ва болта изосини кўрмас эрди».

Навозанда айди: «Дарахтни ўзга жойга ўрнатсалар, кўкармас».

Анда Бозанда айди: «Бадахшонда ла'л ма'данидур ва Яманда ақиқ конидур... Ақиқ Ямандадур ва ла'л Бадахшонда, ҳар иккиси то сафар ранжини чекмагунча, ла'л ва ақиқ нақшидин ва ранг тароватидин қолибдур, дерлар».

Анда Навозанда айдики: «Сафарга кўп ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, сақар бўлур. Сафарда рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла сафар қилсанг, саодат топарсан ва ёмон рафиқ бирла шақоват. Далилдур: нечукким, сангпушт бирла чаён ҳамроҳ бўлғондөк».

Анда Бозанда айди: «Қандоғ эрди? Сўзлагил!

Навозанда айди: «Андоғ эшитганим борки, сангпушт Ироқдин Ҳижоз сари борур эрди. Йўл узасида ночор, бир чаёнға йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо сангпушт бағоят фаросатлик эрди. То баҳаддики кўп сафарларда юруб, кўп тажрибалар ҳосил қилган эрди. Аммо чаёнға инон-ихтиёрин бериб, бодиялар қат' этуб манозил ва мароҳил тай қилиб юрур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтар иложини топмадилар... Охирул'амр, сангпушт мурод хадафиға мақрун бўлуб, шиноварлик бирла муддао истидо'сининг соҳилиға ўзини

олди. Ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ орқасиға боқти, кўрдик, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори-қуйи юруб-дур. Сангпушт айдики: «Эй биродар, сабаб надур-ки буён ўтмайсиз?»

Чаён айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга ма'зур тутунг». Сангпушт кўнглида айдики: «Йўлдош бўлмоқ шарти бу эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам, унча хўб эмас. Авло улдурки, ўткариб қўйсам. Қадимий яхшилар масалидурким: «Яхшилиқ қил сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур».

Алқисса, сангпушт чўлғочини қўлиға олиб, оз ҳаракат бирла ўзини нажот соҳилиға олди. Айди: «Эй биродар, сени дар'ёдин ўткаргали ўғрадим. Менинг устимға мин. Бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан».

Анда чаён айди: «Ҳарким ўз маслаҳатини ўзи билур», деб сангпуштнинг орқасиға минди. Дар'ёға тушуб оқдилар. Замондин сўнг чаён тебранаберди. Сангпуштга айди: «Букун майдонингни васи' топдим. Бурунғи яхшилар «Эшак ўюни қирқ йилда»,— дебдурлар. Букун пўлод найзамни якжурма қалқонингга озмойиш қилай дерман».

Сангпушт айди:

«Сенинг бу хор сифат найзайи бемажолнинг менинг бу якжурма қалқонимға нима кор қилсин?»

Анда чаён айди: «Билганинг йўқмуким, ақраб-

нинг муддаоси неш урмоқдур, хоҳ дўст кўксинадур,
хоҳ душман орқасина».

Ҳаркими одати нечук бўлгай,
Беиродат зуҳур этар андин.
Тошдин неш аёри йўқ ақраб,
Гарчи мундоқ демак ажаб сендин.

Сангнуст айди: «Яхшилардин бир масал қо-
либдурким: «Ишоъмагил дўстингга, сомон тиқар
пўстингга», «Ошонангдин топ» дегандек, дўстум,
сув узра хасдек юрмоқ токай? Бу баҳри амиқ жаво-
ҳирларин тамошо қилмоқ керак», деб, ғаввослар-
дек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва
чаён жон бермоқда қолди».

Алқисса, Кордон бирла Турумтой сафар анжо-
мини муҳайё қилиб, жўнайбердилар. Қат'и манозил
ва мароҳил тай қилиб, Қубод шаҳрига еттилар.
Бойўғли аш'ёниға келиб қўндилар. Бойўғли булар-
нинг келганидин бохабар бўлиб, олдиларига чиқиб:
«Хайра мақдам бирра'си вал'айн, хуш келибсиз-
лар!» деб гарди роҳларини қоқиб, меҳмонхонасиға
палослар солиб, чироғлар ёқиб, аларни қўндуруб,
ўчоққа ўтун қалайбошлади. Ул чоғда ҳаво э'тидоли
ўтиб, қиш замҳарирри совуқ эди. Совуқ касратидин
ҳарчанд «пуф-пуф» қилди, ёнмади... Бойўғли айди:
«Кўринг, қарилиғимнинг боши, эсим йўқдин ўтни
ёқолмадим».

Анда Кордон айди: «Эшитганим борки, «Шайх-
нинг ҳунари бўлмаса, ҳонақоҳ танг» ва яна яхши-

лардин бир масал қолибдурки, «Қаловин топса қор ёнар, қаловин топмаса, қоқшол ўтун ҳам ёнмас». Ўт ёқарни билмайсиз, бизга қандай муомала қилурсиз?»

Бойўғли айди: «Тожикининг бир масали борки: «Ёрики аҳласт, кори ў саҳласт».¹

Андин сўнг Бойўғли базм асбобини тузуб, руд, уд, даф, най, барбат, қонун; навозанда, созанда жам' айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутти. Муғанийлар созларининг қўлоғига гўшмол учун қўл солиб, тоблайбердилар. Бир-икав нақора орқасига, дарра бирла қоҳил намозни урган раисдек, урабердилар ва ўтга даф орқасини ўгрини орқасин тоблағондек тоблай бердилар.

Алқисса, нағма навосини фалакка еткурабошладилар. Кордон Бойўғлига боқиб айди: «Сиз била бир парда ичинда наво қилали ва бепарда сўзлашмайлук».

Бойўғли айди: «Рост айтурсиз, яхшилар сўзидурким: «Сўзни айтгил уққанга, жонни жонга суққанга». Мазалиқ сўзга ҳарқанча қулоқ солса бўлур. Андоғ айтибдурларким:

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз».

Кордон айди: «Биз камина Малик Шоҳиннинг халқа багушларидин² бўлурмиз. Бизга андоқ билин:

¹ Ма'носи: Дўстлар аҳил бўлса, иши осон бўлади.

² Ҳалқа багуш—қулоққа тақилган ҳалқа демакдир; қул ма'носида ишлатилади.

диким, Гунашбону ойимни Япалоқ биби боласи Қулонкир султонға берибсиз. Ҳарна тилаган қалинни ўз қулоғим бирла англағали келдим, тоинки харжи исроф бўлмағудек бўлсин. Эмди на буюрурсиз?» деди.

Бойўғли айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким, «Қўйнидин тўкулса қўнжиға» дебдурлар. Ўз қариндошларимдин киши чиқар. Япалоқ боласи куёвга ҳожат эмас... Қўпак боласига на деб берайин».

Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз» ва яна айтибдурларки: «Қизни ошиқиға бер».

Бойўғли айди: «Олтуннинг битган ерда қадрибор» ва «Чангал ўз жойида кун кўрар».

Кордон айди: «Сен илгари ўтган одамларнинг кирдорин қилолмассен... Ҳоло сен ҳозирпи кўргил. Масалдурки: «Бугунги нақд ўпка эртаги қуйруқдин яхшидур». Ҳоло сен Япалоқ бибини кўпакдек деддинг, қадимғи яхшилардин бир масал борки: «Эгасини сийлаган, итига сўнғак ташлар». Сен: «Қизим, сенга айтурман, келиним, сен эшит» қилдинг. Ашур йириқ қассобга ўхшаб йўлдин бир ойна топиб, ўзининг номуборак юзини кўруб, ойнани уруб, анга неча айбларни кўюб, дер эрдиким: «Яхши мато бўлса, йўл узасида турмас эди» деб ва айтур эрдиким: «На хорлик сенга зиштликдиндур ва зиштлик балсириштликдиндур». Агар сенинг хирадинг дийдаси хира ва замиринг ойнаси тийра бўлмас эрди, аввал

ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди».

Бойўғли айди: «Менга насиҳат ўргатгали келдингму? Сенинг насиҳатинг қулоғимдин елдек ўтар, елдек чиқар».

Қордон айди: «Насиҳат қулоғинг (да) елдак турмас ўхшар...

Бойўғли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар» — дегандек англағонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган, огримай ўлар; чайнамай еганлар, кавшамай кетарлар».

Бу сўзни эшитган замон Қордон хазиначининг ғазаб ўти иштиолланиб, вужуди найистониға ўт тушиб, тутуни гардунға хиром боғлади. Баҳаддики, хижолат тери тўфон, балки ажуз айёмининг қор ва ёмғури анинг чорасиға ҳайрон эрди. Айдиким: «Эй абушқа, қуёш жамоли жилвасидин маҳрум ва эй туюрлар синфидин маржум... Яхшилардин бир масал қолибдурки: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қопиб сўзлар»... Мен сени Бойўғли деб эшитиб эрдим. Эшитганим кўргандек эмас экан. Мен меҳмон бўлсам, қилғон пешомадинг шулдурму?»

Бойўғли айди: «Мендин ўтти, ма'зур тутунг. «Ит қилғонни, иторчи қилмас»—дебдурлар...

Мен хабардор ўлдимки, тевадин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар».

Қордон айди: — Сўзла!

Бойўғли айди: «Бир тулки йўлда кетиб борур

эрди. Зимистон эрди. Қор ва ёмғур беҳад ёғиб, кўчалар лой эрди. Анда бир тева лойға йиқилиб, ағнаб, шўнғиб, ҳар муйида ботқоқлар ёпушуб эрди. Ул тева сорбонға жавоби харгўш бериб, бир шўразор жазирага қочиб борур эрди. Ул тулкига дуч келди. Тулки саломлашиб, тевадин ҳол сўраб айди: «Эй бузургвор, ҳормасинлар, қайдин келурлар?»

Тева айди: «Ҳаммомдин келурман», деди.

Тулки айди: «Баракалло, рост айтурсиз, ҳама бошдин-оёғингиз тару тоза ва покиза. Буни оёқларингиздин мулоҳаза қилдимким, гармоба сувини бошинг ва оёғинг била ишлатибсан, магар ҳаммомчи ўлган эканму ва ҳаммомни холи кўрдингму?» Яна Муҳаммад Холиқбойнинг боғида бир Сафарбой деган аҳмақ боғбон бор эрди. Анинг боғида ўнбеш тоза навниҳол ўрук дарахти бор эрди. Сафарбой тоза хушта'м ўрукларнинг шохини кесиб ташлаб, анинг ўрниға аччиғ данак ўрук шохини пайванд қилур эрди. Бу ақл ва фаросати бирла ўзини ҳама боғбонлардин доно олур эрди...»

Алқисса, Кордон айди: «Иш битгучи маслаҳатни қил».

Бойўғли айди: «Менинг ҳам уруғларим бор, алар бирла маслаҳат қилиб жавоб берурман».

Кордон айди: «Хўб, лекин Хўқандаги икки Фаж ва Қаж бетамиздек қариндошинг бирла маслаҳат қилиб, бизни оро йўлда қўймағил».

Бойўғли айди: «Ул икки Каж ва Фаж кимдур?
Баён қил!»

Қордон айди:

Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳ тақи,
Ниёзча оғалиқ хуш аҳмақи.

Ҳама ишга ёлғон сўзи дастгир,
Сўзин сарф этиб, корин айларди сир.

Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ амин,
Вале билмаган суҳбати хонабин.

Биров олдига кирса, дер эрди: «Ҳой,
Чилим сол, буюртур палов, Маллабой».

Бобожон Ашур чўлоқу Али бири,
Хўқанд мулкида аҳмақи нодири.

Ўзи кўр, равшан юрурди ажаб,
Кеча-кундуз жустжўйи талаб...

Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди;
Бу иккиси шаҳр ичра кўп фаж эди.

Анда Бойўғли айди: «Сиз айтган Муҳаммад
Амин Хўжа муфтидурки, мудом ҳар ишда ўзинин
бемаза ва бефаҳм ва беидрокроқ одамга маслаҳат
қилур эрди. Хоҳ форсий, хоҳ арабий, ҳар китобки
битса, саҳв ва ғалатдин холи эмас эрди, бовужуди
бу ҳама ноқислиги бирла ўзини ҳамадин мулло ва
дониишманди рўзгор кўрар эрди».

Анда Кордон айди: «Муҳаммад Амин Хўжа муфтининг сифатин баён қил».

Бойўғли айди:

— Эди исми Муҳаммад Хўжа муфти анинг,
Хати хуш, баён айлайн мен анинг.

Эрур асли, насли қизилбош сақат;
Битарди китоб барчасини ғалат.

Қичик офтобани давог деб олиб,
Ажаб яхши деб, киссасига солиб,

Этиб кибру манлик шаробини нўш,
Қаламдони сандуқчаи дугфуруш.

Яна Бойўғли айди: «Пешқадам кор озмо¹ қариндошларим бор. Алар бирла маслаҳат қилурман».

Анда Кордон айди: «Гўрга, қариндошингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмаса; кор озмолар сўзидур: «Қариндошинг келса, келсун, бўз халтаси келмасун»...

Бойўғли айди: «Қат'и силаи раҳм² ёмондур».

Кордон айди: «Рост айтурсан. Қор озмолар дебдурким: «Қариндошим — қора қозоним»... Эй Бойқуш ҳоло сен «Қўрпангга қараб оёғ узат». Сен минг чордевордан дам урарсан... Дахи тўқол эчку

¹ Кор озмо — иш кўрган, тажрибали.

² Қати силаи раҳм—қариндош-уруғнинг олдидан ўтмасдан, деган ма'нода.

мунғуз тилаб — қулоғидин ва ё бир думсиз эшак
дум иштиёқидин йўллар юруб — икки қулоғидин
айрилғондек бўлма!».

Бойўғли айди: «Ҳикоят қил!».

Кордон айди:

«Будастан хареки думи нобудаш,
Рўзи ғами бедуми фурудаш.

Дар бодияҳо қадам ҳамизад,
Дум матлабию думи намизад.

Ногоҳки рўзи ихтиёри,
Бигузашт миёни киштизори.

Деҳқон магараш зи дур медид,
Баржаст ўро ду гўш буррид.

Мискин харақ орзўйи дум кард,
Ноёфта дум ду гўш гум кард.¹

Бундин қоли бир бузуқ чордеворнинг отини
гутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам қуюшқондин
ташқари чиқма, суннат бажо келгудек иш қилиб.
жўнатабер. Бир масалдурким: «Етим қизға елпу-

¹ Мазумни: Бир думсиз эшак бор эди. У бир кун думининг
ғамида йўлга чиқди; саҳроларни кезди, дум истаб, унга эри-
шолмади. Иттифоқо бир кун йўл олиб, экинзорнинг ўртасига
тушди. Деҳқон уни узоқдан кўриб қолди ва югуриб бориб,
унинг икки қулоғини кесиб олди. Бечора эшак дум орзу қи-
либ, уни тополмади, қайтага ўзининг икки қулоғидан аж-
ралди.

ғуч чикора?» — дегандек ҳоло сен ўзингинг Қубод шаҳристонингги Қайқубоди санаб, бизни манзур, этмадинг...»

Анда Бойқуш айди: «Парда ичинда бепарда сўзларни кўп сўзлаштук, нағма ройгон кетти. Базмдин кейин ҳарқанча қонун навоз гапингиз бўлса, англа-са бўлур».

Соқийи тумтароқлар пиёла сунабошладилар. Бода наш'аси Қордон бирла Бойўғли рағларига, токка сув югургандек, югурди. Анда муғаннийлар нағмаси та'сир қилди...

Алқисса, замондин кейин базмлари туганиб, муғаннийлар олганига қувониб, оройиш узулиб, ма'рака бузулиб, эл оёғи тиниб, ором учун этакдин оёқ, ёқадин бош чиқардилар.

Алғараз, Қордон айди: «Эй бойбобо, бизникини қабул қилинг, бизлар кетармиз, Кўрқуш келиб, мунозарани сендин элтур. «Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда ма'лум бўлур», деди.

Бойўғли айди:— «Синаган ёв урушга яхши».

Анда Қордон айди: «Ёв кетган сўнг қилични (ерга) чоп».

Анда Турумтойки, Қордоннинг мулозими эрди, Бойқушнинг бунча ғуруридин хафа эрди, Бойқушга Кўрқуш яхши айтган бир масални айди: «Ёмон отқа ёл битса ёниға боғлатмас, ёмон эрга мол битса ёниға қушни қўндирмас». Турумтой бу сўзни айтиб эрди, Қордон айди:—«Иссиғ жон иситмасиз бўл-

мас». Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясиға қўндурғил, нечукким, Амир Навоий деб-дурлар:

Онаси била кунда э'тироз этган қиз,
Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.

Қайин юрти блан куёвнинг уйини хуш
Қўрмакдин онаси била ноз этган қиз.

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлуб айдиким: «Сен менинг қизимни ўзга ҳамрози бор дегандек қилдинг. «Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар» дегандек бу нима деганингдур?»

Кордон айди: «Ажаб содда аҳмақ экансан!... Сенинг сўзингни Отабой аминдек бетамиз кишиникига ўхшатурманки, бозордин хотуниға кафш олибдур, бир бегона Ҳол қассобға кўрсатибдур: «Бу кафш менинг хотунум оёғиға лойиқ келурму?» деб сўрабдур. Ул жавоб берибдурки: «Мен сенинг хотунинг оёқини кўрганим йўқ. Ўзинг аввал аҳмақсан!» Баромади сўз ўтканларнинг сўзин изҳор қилиб ўтдим. Мен сенинг қизинг атворини билмасман. Масалдурки: «Эшагининг фе'ли эгасига ма'лум».

Анда Бойўғли айди: «Ниёзча оғалиқ, Бобожон ва Муҳаммад Амин муфтики мазкур бўлди, бу уч аҳмақнинг маслаҳати бирла иш қилиб, оро йўлда қўйманг дерсан, менинг боболарим ҳазрати Сулаймон бирла мунозара қилғон кишидур».

Қордон айди: «Отадин дам урма, панд ерсан... Бир масал борки: «Ота сўраб нетарсан, эрнинг ўзи бўлгон сўнг, йўл сўраган номарддур, от устига минган сўнг». Ишни ўз ақлинг била қилиб бўлурму?» деди.

Анда Қордон ноумид бўлуб, Қўрқушнинг ош'ёнасига қадам қўйди. Қўрқушни кўрган ҳамон қақшаб айди: «Ҳарким кўр сўзига кирса, биз кўрган ҳақоратларни кўрар ва биз тортган машаққатларни чекар. Анда Қўрқуш айди:

Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас
Риёзат чекмагунча, ёр васлига етиб бўлмас.

Яна бир масал борки: «Эр бошига иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошига иш тушса, сўлуқ бирла сув ичар». Ишларни биткариб келдингизларму?»

Қордон айди: «Биздин баланд нимарса тилади, биз ожиз келдук»

Қўрқуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?»

Қордон айди: «Бойўғли айтурки, «Минг чордевор: такчасигача хок ва нақш нигор қилинган ва ҳеч Бойўғли сояси тушмаган бўлса, унарман. Ва илло мундин бир чордевор кам бўлса, унамасман». Ул «Токча» деди, биз «Мўри» дедик, жўнай бердук».

Қўрқуш айди: «Сенинг исмингни Қордон қўюбдурлар. Ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан. Қордон исмининг аксини қўйсалар

керак эди. Мовароуннаҳрда Амир Умархон турган Ургут, Работ, Пўшағурбек, Хайробод, булардин шаҳри Қубод рашк айлаб, адам сари юзланди. Сендек давлатлик орқамда бўлганда эди, Бухоронинг ҳар туманидин минг чордеворни топиб, бирдин муҳим хайр ишни биткарур эрдим. Сенинг кордонлиғинг кулол мўндида сув ичгандек экан ва ё «Бўзчи белбоққа ёлчимас» дегандек бўлди.

Анда Кордон айди: «Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сўзлаш». «Қуда бўлдуқ, жудо бўлдуқ» деган сўзга йўқмиз».

Анда Кўрқуш айди: «Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак». Сенинг ўзинг анга ўхшарки, Эшон калла деган ҳофиз яхши кўрган тўпписини тез оқар сувга оқизибдур. Неча жаҳд блан ололмай, ночор маҳрум бўлуб, айтур эрдиким: «Йўқолғони хуб бўлди. Бошимға тор келур эрди»—деб афсус ор эрди. Мушук илмоғдаги қуйруқни ололмай. «Пуф сассиғ» дегандек сўзни қўй.

Алқисса, Кўрқуш айди: «Ҳар кимнинг ишиму улоқ овламоқ, мадрасага бориб тупроқ яламоқ? Иш биткармоқни мендин кўрсунлар» деб, Қубод шаҳристонига равона бўлди, Бойўғли уйиға қўноқ бўлди. Кўрқуш Бойўғлини кўрган ҳамон томоғидин бўғуб, «Кўр тутганни қўймас» дегандек чўқуб айдиким: «Кўрушмасанг, отангни йиқит».

Бойўғли айди:—«Йиқилган курашга тўймас»,

куёв бўлсанг, қиз гайёр, эшитмоққа қулоқ бор. Сўрамоқ сендин, эшитмоқ мендин».

Кўрқуш айди: «Сенинг қулоғинг Мулла Сиддиқ котибнинг қулоғидек сўз эшитмас».

Бойўғли айди: «Сенинг кўзинг мулла Асқарнинг кўзидек қадрдон ошнасини танимас. Эшитмадингмуким: «Бошка тушканни кўз кўрар» ва яна айтмишларки: «Хайр ишига жарчи бўлсанг, малул бўлма». Аммо сенинг бошингга иш тушса, тортарга кўз йўқидин малулсан».

Кўрқуш айди: «Ботин кўз керак. Сенга ҳарза учун келган эмасман. Тилаган чордеворларингдин тўрт юзини кечғил. Олти юзига жавоб берурсан».

Анда Бойўғли айди: «Минг чордевор соламан, тўрт юзини нимага кечай?»

Кўрқуш кўрдиким, Абдурахим судхўр баққол мумсикдек кўп хасисдур, агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўттуз тишини синдирур. Айдики: «Андоғ бўлса, уй лавозимотини тайёр қилғил. Пашшадин анқоғача барча қушларга киши чоптур, йиғилсунлар! Аларнинг ҳузурида маҳр солай».

Алқисса Япалоқ ша'н ва шавкат бирла тўй олиб келди. Мажму' туюрлар жам' бўлдилар. Мисли анқо, ҳумо, уқоб, баҳрин, лочин, италгу бир тарафга; оққуш, тўғдоқ, турна, ғоз, ўрдак, кўгақуш, анғит, сурна, суқсур, чурк, қар, кўргут, лаклак бир тарафга ўлтурдилар. Булардин кичик қушлар мисли каклик, бедана, олатўғаноқ, қизилиштон, зарғал-

доқ, кабутар, мусича, қалдуғоч, сағва Кулонгир султонға куёв нұкар бұлуб, бир тарафға ўлтурдилар.

Алқисса, Кўрқуш куёв жонибидин вакил бұлуб, кўкқарға, олақарға гувоҳ бұлуб, Куйкунак қиз жонибидин вакил бұлуб турдилар. Никоҳ хутбасин ҳазордастон¹ равшан фасих тил бирла ўқимоқ бўлди. Кўрқуш Куйкунакка қараб айдиким: «Қизингинг маҳрини баён қил!»

Кўйгунг айди: «Авомун-нос ичра машхурдуким, «Қатта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур». Сизларга возиҳ ва лойиҳ эрурким, аммасининг маҳри минг чордевор эрди, муниг ҳам маҳри минг чордевор».

Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдук. Агар Мовароуннаҳр табиотидин хоҳласанг, ҳарқанча чордевор десанг берай, балки хашт девор солайин».

Куйкунак айди: «Така бўлсун, сути бўлсун», Кўрқуш «Хўп, ма'қул,—деб овоз кўйиб айди:—Эй ҳозир ўлонлар, англағучи бўлинглар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янги Работ, Эски Сабот, Пушоғур, Мўғул, Чакан, Фируз, Нишопур, Шаҳристон, Сарой, Ҳил'ён, Иторчи, Чун, Манғит, Кенагас, Янги Ариғ, Ғончи, Ғозон, Дарак, Хўжа Тоҳир, Нажмид-

¹ Булбул.

дин, Қизил Кўрғит, Бекобод, Хайробод. Эмди Гунашбону ойимнинг маҳри битдиму?» деди.

Алқисса, Кўрқушнинг маҳр солишига ва Куйкунак олишига бирнеча қушлар қайрон қолиб, бир-бирларига айтушур эрдиларким: «Бели оғримаганининг нон ейишига боқ».

Куйкунак дарҳол туруб айдики: «Баракалло, сизнинг жувонмардлигингизга. Ма'ракада бизни сўзлагудек ҳолимиз қолмади. Маҳр солишингизга ҳозир турган туюрлар инсоф ва офарин қилдилар. Лекин Хайробод бизга мувофиқ тушмади».

Кўрқуш айди: «Сабаб недур?»

Куйгунг айди: «Дар'ёга ёвуқдур. Зероки Бойўғли халқи сувдин эҳтироз этарлар. Муниг ўрнига Муғни солинг».

Кўрқуш айди: «Хўп бўлубдур. Шошманг. «Муғ» автор-луғати бор. Луғати юқорида мазкур бўлган тошкендлик Муҳаммадхўжа Ҳожидек юруш йўлини йўқотиб, мумсиклар аф'оли анга мақбул ва марғуб тушубдур. «Мунглуғ» бўлурға оз қолибдур. Яна бир сафарлик ҳоли бор. Кеч кузгача ани солиб бермоққа мен кафил» деди.

Куйгун ҳазордастон сари боқиб ишорат қилдики «Хутба бошланг»... Андин кейин Гунашбону ойимни янгалар олиб, Кулонкир султонга қўшдилар. Кулонкир султон, Гунашбону ойим иккилари мурадларига етилар.

Абир — қора тусли хушбўй модда.
Абушқа — эр.
Ажуз — кампир, кекса.
Анво' — ҳархил, хилма-хил, турли нав'.
Андух — ғам; қайғи.
Анжум — юлдуз.
Арус — келян.
Асноф — синфлар, табақалар, гуруҳлар.
Ақиқ — қизил тош.
Ақраб — чаён.

Бадсиришт — ёмон табиатли, ярамас.
Баста — боғли.
Бемор — касал, бетоб.
Бор — юк.
Боргоҳ — қаср, сарой.
Бод — шамол; ел.
Бодия — сахро, чўл.
Бодиянишин — кўчманчи, саҳройи.
Бузург — улуғ, улкан.
Булур — балоғатга етиш, бўйи етиш.
Бурж — қўрғон деворларининг чиқинди жойи, қулла;

Вирд — бирор ишни ма'лум вақтларда бажаришни вазифа қилиб олиш.

Ганда — сассиқ, мурдор.

Гармоба — чўмилиш учун иссиқ сув тайёрлаб қўйилган ҳаммомга ўхшаш жой.

Гузир — илож, чора.

Гулбун — гул кўчати.

Дангалнишин — тўрда ўтиручи, юқори даражали.

Дарафтод бўлмоқ — ташланмоқ.

Дуррож — қуш номи.

Жарроп — сурбет, орсиз.

Жониб — тараф, томон.

Замир — ич, кўнгил.

Заррапарвар — зарраларни (кичикларни) парваришловчи.

Зер — ост.

Зишт — хунук.

Зоди роҳила — йўл озиғи.

Иёр — олтин-кумушнинг тозалиги даражасини белгилаш.

Итоб — қаттиқ гапириш; хитоб қилиш.

Иштиғол — шуғулланиш.

Қамоҳаққуҳу — таги туби блан.

Кулонкир — барваста, новча товур.

Кошона — уй, хона, тураржой.

Қоҳил — ишەқмас; сусткаш; ялқов.

Мавқуф — қаратилган, қаратиб, тўхтатиб қўйилган.

Маннои лилхайр — яхшилиқ қилишга тўсқинлик қилучи.

Маржум — қувилган, тошбўрон қилинган.
Ма'руф — ма'лум, таниглиқ, белгили.
Маскан — жой, тураржой.
Машварат — маслаҳат, кенгаш.
Мақрун — етишган, улашган, яқин қариб.
Меҳр — қуёш.
Мизбон — меҳмонни кутиб олуи, меҳмон чақиручи.
Минқор — тумшуқ.
Модар — она.
Мофиз-замир — кўнгилдаги.
Моҳазар — тайёр овқат.
Мунаққаш — нақшланган, зийнатли.
Мунший — котиб, ёзучи.
Мустаманд — муҳтож, эҳтиёжли.
Муфт — текин.

Набз — томир.
Навид — хуш хабар, яхши хабар.
Навоҳи — қишлоқ.
Нажжор — дурадгор, уста.
Найстон — қамишзор.
Насойиҳ — насиҳатлар.
Ниғаҳдор — кўзатучи, ҳуш'ёрлик кўрсатучи.
Новак — ўқ.
Нор — ўт, олов.
Нофаржом — оқибати яхши бўлмаган; бахтсиз.
Ножиз — арзимас.

Озмойиш — синаш; тажриба қилиб кўриш.
Ори — ҳа; ҳўп.
Ойин — одат, расм.
Ошиён — уя, ин, макон.
Оғоз — бошлаш.

Партав — нур; ёруғлик; шу'ла.
Писандида — ёқимли.
Пуркарда — бир ишни кўп бажарган, кўп тажрибали.
Пуркор — кўп тажриба кўрган, моҳир уста.

Раг — томир.
Раҳзан — йўлбосар, қароқчи.
Реша — томир, негиз.
Ройигон — текин, бекорга.
Руқ'а — хат.

Сабух — эрталаб, тонг вақти.
Савобит — турғун.
Савсан — гулсавсар.
Салотин — подшолар, султонлар.
Саршор — тўлиб тошган, мўл-жўл.
Сақат — нуқсонли, камчиликли, янглиш
Саҳл — осон, қулай.
Саҳо — саҳилик.
Ситора — юлдуз.
Сангпушт — тошбақа.
Солор — бошлиқ, саркарда.
Сорбон — туячи, туякаш.

Тааммул — фикрлаш, ўйлаш, мулоҳаза.
Таваққу' — илтимос, сўров.
Таманно — орзу, тилак, истак.
Тамуз — июнь ойи.
Тароват — тозалик, чиройлик.
Таррор — қароқчи.
Тасмия — исмлаш, номлаш, аташ.
Таҳаммул — сабр қилиш, чидаш.
Тийра — қора, қоронғи.
Тоб — иссиғлик, ҳарорат.

Тор — қоронғи.
Турктоз — босқин, толон-торож.
Туюр — қушлар.

Фарах афзо — шодликни орттиручи.
Фард — якка одам, бир киши.

Хаймау хиргоҳ — чодир ва ўтов
Харгуш — қуён.
Хижил — уятли.
Хирад — ақл, зеҳн.
Хосткорлиқ — совчилик.

Шадид — қаттиқ.
Шамс — қуёш-кун.
Шамширзан — қиличбоз, қилич блан чопишга уста киши.
Щарорат — ёмонлик.
Шақоват — ёмонлик, ярамаслик.
Шиновар — сузғич, сувда сузучи.
Шуо' — шу'лалар, нурлар.

Якжирма — бир жойи яра; бир бор яраланган.
Яғмо — талон-торож.

Ғарав — бирхил қаттиқ най қамиш, қалам қамиш.
Ғарқоб — сувга ғарқ, сувга чўмган.
Ғўта—шўнғиш.

Қабзланмоқ — сиқилмоқ, қисилмоқ.
Қазо — ўлим.
Қаламзан — ёзучи.
Қамар — тўлун ой.

Қосир — нуқсонли, етишмайдиган.
Қурратул'айн — кўз қорачиғи, фарзанд.

Ҳадаф — ўқ бориб тегадиган жой, нишон, мўлжал, қора.
Ҳазар — сафарга чиқмаган ҳолат, тургинлик.
Ҳамроз — сирдош, суҳбатдош.
Ҳарза — беҳуда, бекорчи.
Ҳарорат — иссиқлик.
Ҳудҳуд — попушак.

** На узбекском языке*

Гульхани

Избранные произведения

* * *

Мас'ул редактор Ю. Султонов
Редактор С. Қосимов
Рассом А. К. Ошейко
Тех. редактор А. А. Наумов
* *

P26510 Босишга руҳсат этилди 2/XI-51 й.
Қоғоз $70 \times 108^{1/32} = 1$, қоғоз л., 2, босма л.
Нашриёт л. 1,75 Тиражи 10.000.
Баҳоси 2 с. Муқоваси 1 с. 50 т.

*

ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти
босмаҳонаси. Заказ 965.
Тошкент 1951 й.